

Амир Темур юборган номлар ва унга жўнатилган дипломаток мактублар шуни кўрсатадики, сохибкирон чет давлатлар билан муносабатлар ўрнатишда дипломаток тамойилларга таяниб йш юритган.

Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида жахонгирнинг турли мамлакатларга, жумладан Миср, Эрон, Туркия, Ирок, Гуржистон, Хоразмга элчилар юборгани хамда Йилдирим Боязид, Султон Хусайн, Шох Шужоъ кабилардан мактублар олингани баён этилади. Асарда келтирилишича, Амир Темур Жаловатийни элчи сифатида Хоразмга Юсуф Сўфийга юборади. Лекин Юсуф Сўфий элчини туттириб, банди килади. Бундан хабар топган Сохибкирон унга шундай нома юборади: “Подшоҳлардин раво эрмасикм, элчини банд килгай, анинг учунким, уларда гунох бўлмас агар сенинг сўзунг бўлса сенинг била турур, элчи билан не ишинг? Боргон элчини йибаргил ва мундог ишлар килмагилким, пушаймон бўлгунг турур”.

Бундан кўринадики, Амир Темур элчи холис воситачи эканини унга ҳеч ким дахл килмаслигига амал килган ва бошкаларга хам шуни уктирган. У одатда, забт этмокчи бўлган юртларга аввало дипломаток мактублар юборган ва шунинг натижасига кўра харакат этган.

Давлат ва салтанатни идора этишда Амир Темур кенгаш ва машваратлар ўгказиб иш юритган. “Темур тузуклари”даги “Мен тажрибамдан шуни билдимки, юз минг отлик аскар килолмаган ишни бир тўгри тадбир билан амалга ошириш мумкин экан” жумласида Темурнинг харбий куч бажараолмайдиган ишни дипломаток йўл билан хал килиш мумкинлигини таъкидлайди.

Амир Темур мухолифатга киришдан аввал дўстлиь муносабатларини билдирган. Хоразмда хоким бўлиб турган Хусайн Сўфийга: “Хевак (ва Кот) закоти Чигатой улусига тааллўк тутур ва эгаси йўк жихатидин сен олур эрдинг. Дахл килмагайсенким, дўстлук аромизда бўлгай”, деб ёзган эди.

Йилдирим Боязидга юборилган номада эса унинг асли насабаи кемачи туркман бўлгани айтилиб, шу кунгача уруш очмай турилгани баён этилади. “Сен фаранг кофирлари била газотга машгулсен. Ва агар биз ул сори борсак, мукулсонлар ташвишда бўлурлар ва кофирлар шодмон бўлгайлар. Зинхор базинхорким атоларингнинг тарикаларини саклагил ва аёгингни ўз хаддингдин узотмагил, ўзунгга магрур бўлмагил”.

Сохибкирон Боязиднинг аждодлари туркманлигини эслашига сабаб, улар бир халк вакили эканин эслатмокдир. Агар Амир Темур Рум сари юриш килса бундан четдаги кучлар манфаат кўрар эдилар. Мамлакатнинг парокандаликка юз тутишини истамаган жахонгирнинг бундай мурожаатига Боязид салбий жавоб кайтаради. Тез орада Амир Темур бу ерларни забт этади. Йилдирим Боязиднинг маглубияти бошка давлатларнинг хукмдорларига хам таъсир кўрсатди. Миср хукмдори Баркукнинг ўгли Малик Носир сохибкирон билан мухолифат килиш яхши эмас, деб бандиликдаги Аталмишни чикариб юбориб, хутбани Амир Темур номига ўкилишини айтиб, олтин ва кумуш, жавохирларни от, туя, хачирларда Темурга юборади. Сохибкирон хам ўз навбатида совгаларни кабул этиб, Мисрдан келган элчиларга зарбоф тўн кийдириб, олтин камар хадя сифатида бериб жўнатади.

Боязид устидан козонилган галаба Темурни Европа мамлакатларига машхур килган эди. Унинг дипломатияси хам тобора шухрат топиб борди.

Дилрабо Абдуллаева